# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 3 октябрь, № 202 (8825) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда ишлаб чиқариш муҳити тўғрисидаги 155-сонли Конвенциясини (Женева, 1981 йил 22 июнь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 9 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 21 сентябрда маъқулланган

Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда ишлаб чиқариш муҳити тўғрисидаги 155-сонли Конвенцияси (Женева, 1981 йил 22 июнь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 2 октябрь
№ ЎРҚ—969

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИГРАЦИЯ СТРАТЕГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛМОҚДА

*Олий Мажлис Сенати ҳамда Миграция бўйича халқаро ташкилот (IOM)нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан ўтказилган семинарда Ўзбекистоннинг миграция стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласи атрофлича муҳокама қилинди.*

### Семинар

Унда сенаторлар, вазирлик ва идоралар вакиллари, Сенат ҳузуридаги ишчи гуруҳ аъзолари, халқаро ташкилотлар ходимлари, миллий ҳамда хорижий экспертлар қатнашди.

Тадбирда стратегияни ишлаб чиқишнинг биринчи босқичи якунлари бўйича тақдимот ўтказилди. Айни чоғда иштирокчилар томонидан мазкур стратегияни амалга оширишга доир масалалар кенг таҳлил қилинди ҳамда шу юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари муҳокама давомида олинган таклиф ва тавсиялар стратегия лойиҳасини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлашди.

**«Халқ сўзи».**

## ЯНГИ ҒОЯ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ КЕНГ ЁЙИЛИШИ УЧУН МУСТАҲКАМ КЎПРИК

**2 октябрь куни Тошкент шаҳрида IV Бутунжаҳон креатив иқтисодиёт конференциясининг биринчи куни тадбирлари бўлиб ўтди.**





Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

### «WCCE — 2024»

*Мазкур анжуман Ўзбекистон Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (ACDF) томонидан Индонезия Республикаси, БМТ Савдо ва тараққиёт конференцияси (UNCTAD) ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) кўмагида ҳамда Британия Кенгаши, Осиё тараққиёт банкининг Ривожланиш институти ва Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети ҳамкорлигида ташкил этилди.*



Унда хорижий ва маҳаллий ташкилотлар масъуллари, шунингдек, 75 мамлакатдан 2 мингдан зиёд креатив соҳа раҳбарлари ва етакчилари қатнашди.

Анжуманнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов, Президент ёрдамчиси Саида Мирзиёева, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси раиси Гаянэ Умерова, UNCTAD бош котиби Ребека Гринспан хоним иштирок этди ва мазкур нуфузли тадбир иқтисодиётнинг келажаги ва энг янги технологиялар, шу жумладан, сунъий интеллектнинг ушбу жадал ривожланаётган соҳага таъсирини муҳокама қилиш учун муҳим мулоқот майдони эканини таъкидлади.

Қайд этиш керакки, «Инклюзив креативлик: ўзгарувчан реаллик» деб номланган мавзу асосида иштирокчилар технологияларнинг жадал ривожланиши билан боғлиқ ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ҳамда барқарор келажакни шакллантиришда креатив саноатларнинг ўрнини таҳлил қилишга асосий эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, IV Бутунжаҳон креатив иқтисодиёт конференцияси 2018 йилда илк бор Индонезияда ташкил этилган ва креатив иқтисодиёт масалаларини муҳокама қилиш учун етакчи халқаро платформа сифатида ўзини намоён қилган.

Маданий ва креатив саноатлар ҳар йили тахминан 2,3 триллион доллар миқдорида даромад келтириб, глобал ялпи ички маҳсулотнинг 3,1 фоизини ташкил қилади. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 10 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, ушбу конференцияда маърузачилар ўз билими ва тажрибасини иштирокчилар билан ўртоқлашмоқда. Улар орасида Британия Кенгашининг креатив иқтисодиёт дастури директори Реҳана Мугал ҳам бор. У бугун креатив иқтисодиёт бўйича эришилган ютуқлар ҳақида маъруза қилди.

— Буюк Британия креатив иқтисодиёт бўйича етакчилик қилади. Негаки, биз кўплаб соҳалар ривожида креатив ёндашувга аҳамият қаратганмиз. Умуман, жамият ҳаётининг гуллаб-яшнаши, ўсиши фақат маблаққа эмас, балки бошқа жиҳатларга ҳам боғлиқ. Кейинги пайтда биз соғлом турмуш тарзига катта эътибор қаратганимиз учун барча соҳа тенг ривожланяпти. Сунъий интеллектнинг иш ўринларига таъсири борлиги боис, бугун креатив иқтисодиётнинг имкониятларини янада яққол намоён этишимиз зарур. Анжуманнинг биринчи кунида бу борада эришилган ютуқларимиз тўғрисида сўзлаб бердим, — деди Реҳана Мугал.

Уч кун давом этадиган мазкур тадбир доирасида пленар йиғилишлар, панель муҳокамалар, воркшоплар ва маҳорат дарслари, шунингдек, қатор танловлар ўтказилади.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

## САЙЛОВ — 2024

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси номидан «Миллий иқтисодиёт ва туризмни ривожлантириш — иқтисодий тараққиёт кафолати» ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси номидан «Ўзбекистон Экологик партияси: бизнинг мақсад – «яшил» иқтисодиёт учун яшил чироқни ёқиш» сарлавҳали мақолалар эълон қилинмоқда.**

2 ва 3-саҳифаларга қаранг.

## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ АККРЕДИТАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ БОШЛАНДИ

MSK O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASI

*Сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Жумладан, улар орқали фуқаролар ўз сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш, сайловларда қатнашаётган турли сиёсий партиялар ва номзодларнинг Сайловолди дастурларининг асосий йўналишларидан хабардор бўлиши ва айни вақтда бунга ўз фикрларини билдириш имкониятига эга бўладилар.*

Оммавий ахборот воситалари вакиллари сайловларга тайёргарлик ишларини кузатиб бориш, уни ўтказишга доир тадбирларда қатнашиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитациядан ўтказилади.

Шу муносабат билан, 2 октябрь куни бўлиб ўтган Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда хорижий давлатларнинг кузатувчиларини аккредитация қилишга доир масалалар кўриб чиқилди.

➡ 4

# ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИЛГАРИ СУРГАН КОНЦЕПЦИЯ

## мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатига айланади

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Педагогик маҳорат миллий институтида ўқитувчи ва мураббийлар билан бўлиб ўтган мулоқотида иштирок этганимда ҳам, байрам муносабати билан йўллаган табригини ўқиб чиққанимда ҳам хаёлимдан бир фикр ўтди — мамлакатимиз раҳбари зиёлилар билан бўладиган ҳеч бир учрашувга қуруқ қўл билан келмаган. Бу сафар ҳам ўқитувчи ва мураббийларни рағбатлантирувчи бутун бир тизим барпо этилганига гувоҳ бўлдик. Бу осон эмас, албатта. Давлатнинг бундан бошқа ҳам муаммолари, масалалари мавжуд. Лекин таълим тизими, илм-фан, ҳамма вақт Президентимизнинг диққат марказида бўлган.*

### Муносабат

Яқин тарихда биз байрамларда табрик йўлланиб, амалда бошқача ишлар бўлган даврларни ҳам кўрганмиз. Ўшанда баъзи бир инсофли ҳокимлар пахта даласида эзилиб юрган муаллимларни “Йиғим-теримдан сўнг байрамни, албатта, нишонлаймиз”, деб юпатиб қўярди. Яратганга шукр, ўша кунлар ҳам ортда қолди.

Президент Шавкат Мирзиёев қаерга бормасин, ким билан учрашмасин, албатта, таълим соҳасига эътибор қаратади. Вақт ажратади. Зиёлилар билан маслаҳатлашади. Уларнинг ҳурмат-эътиборини ўрнига қўяди. Бу галги мулоқотда ҳам бир қатор муҳим масалаларга янгича ёндашувлар илгари сурилди. Айниқса, иқтидорли ёшларни танлаб олиш ва уларни рағбатлантириш бўйича илгари бўлмаган янги тизим йўлга қўйилаётгани каминани ниҳоятда қувонтирди. Ғарб тараққиётининг энг муҳим қирраларидан бири ҳисобланган мазкур тамойил бизда ҳам жорий этилса, сўзсиз жуда катта натижаларга эришамиз.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида халқаро фан олимпиадаларида ўқувчиларимиз 122 та медални қўлга киритди. Бу айтишга осон. Бу ютуқнинг аҳамиятини тушуниб етишимиз керак. Мана шу халқаро олимпиадалар ғолибларидан эртага олимлар, фан ва жамоат арбоблари етишиб чиқади.

Президент йиғилишда етти йўналишдан иборат концепцияни илгари сурди. Улар ўқитувчини, аввало, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўқувчининг истеъдодини эрта аниқлаш ва унга эътибор қаратиш, таълим тизимимизни дунё таълим тизимига интеграциялаш, соҳада хусусий секторни янада ривожлантириш, малака ошириш ва тажриба алмашишга алоҳида аҳамият бериш каби муҳим вазифаларни қамраб олган.

Бу йўналишлар бирлаштирилиб, мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатига айланишига ишонаман. Давлат раҳбари томонидан айтилган ҳар бир йўналишнинг ишлаш механизмлари ҳам таклиф этилди. Шу жиҳатдан, Президент ўтказган йиғилишдан чиқаришимиз керак бўлган хулосалар кўп.

Бугунга етиб келгунимизча Президент қанчалик катта ишларни амалга оширганини тасаввур қилиш учун кечаги кунимизни бир эслаб кўрайлик.

Йиллар давомида биз мактабгача таълим муассасалари, мактаблар фаолиятига бефарқ қарадик. Тўғрисини айтганда, мустақиллик ҳам муаллимнинг елкасидаги ўта оғир юкларни олиб ташлолмади. Ўшанда, ўқитувчи том маънода эксплуатация қилинди. Пахта теришми, ҳашарми, кўча-кўйни тозалаш, қурилиш ишлари бўладими — барчасига ўқитувчи бологардон эди. Бу барча таълим тизими ходимларининг чекига тушган азоб-уқубат эди. Энг аламли томони, машаққатлар гирдобига ташланган ўқитувчидан болаларимизни яхши ўқитишни ҳам талаб қилардик.

**Фақат 2016 йилга келиб, мамлакат мустақиллигига 25 йил бўлгандан сўнг бу ҳақда ўйлай бошладик. Лекин биз кўп вақтни қўлдан бой бериб қўйдик.**

Айниқса, мактаб ўқитувчиларининг жуда катта қисми, олий даргоҳларнинг профессорлари, доцентлар бундай узоқ давом этган қийинчилик ва хўрликларга чидолмасдан бошқа соҳаларга ўтгани, хорижга иш излаб кетгани ҳам аччиқ ҳақиқат.

Яшириб нима қилдик, 2016 йилгача мавжуд бўлган таълим тизимимиз даражаси, ҳаттоки, мустақилликкача бўлган даврдан ҳам тушиб кетган эди. Мактабларнинг моддий-техника базаси, муаллимлар, профессор-ўқитувчиларнинг маоши, жамиятдаги обрў-эътибори, қадр-қиммати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

> *Президент йиғилишда етти йўналишдан иборат концепцияни илгари сурди. Улар ўқитувчини, аввало, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўқувчининг истеъдодини эрта аниқлаш ва унга эътибор қаратиш, таълим тизимимизни дунё таълим тизимига интеграциялаш, соҳада хусусий секторни янада ривожлантириш, малака ошириш ва тажриба алмашишга алоҳида аҳамият бериш каби муҳим вазифаларни қамраб олган.*

**Биргина таълим-тарбия соҳасида Президент Шавкат Мирзиёевга мана шундай мерос қолган эди.**

Уни ўрнидан силжитиш, мактабни тартибга солиш, муаллимнинг маошини кўтариш, ўзини оқламаган касб-ҳунар коллежларини ислоҳ қилиш, мактаб таълимини бир бутунликка келтириш, тамом бўлган, тугатилган мактабгача таълим муассасаларини қайтадан яратиш, мактаблардаги тирбандлик, уч сменали ўқишларга барҳам бериш, муаллимлар етишмовчилигига чора топиш каби муаммоларни бартараф этишга ҳам жуда катта куч, маблағ сарфланди.

Тўғри, ҳали биз таълим сифати борасида кўзланган натижага эришолганимиз йўқ. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор, албатта. Мен юқорида таълим-тарбия соҳасидаги 25 йиллик “мерос” ҳақида гапирдим. Уни эритиш, “муз”ларни кўчириш, жамиятнинг онг ва тафаккуридан муаллимга бўлган паст назарни олиб ташлаш осон бўлмади.

**Биз мактаб таълимини қанчалик оёқости қилган бўлсак, таълим ҳам биздан аёвсиз ўч олди. Фарзандларимизни билимсизликка, саводсизликка маҳкум этди.** Мактаб болаларни маълум бир вақт оралиғида банд қилиб турадиган жойга, олий ўқув юртлари эса тўрт йилда диплом улашадиган даргоҳларга айланиб бўлган эди.

Бугун-чи? Таълим тизимимиздаги ислоҳотларни айтиб, ёзиб адо қилиб бўлмайди.

Тарбиячи, муаллим, домла мажбурий меҳнатдан, пахта қуллигидан бутунлай озод қилинди. Ҳатто ўқувчи ва талаба ҳам. Биз мустақилликка ҳам мажбурий меҳнат бўйинтуруғи билан бирга ўтган эдик. Бу турли кўринишларда мустақил мамлакатимизда 25 йил давом этди.

**Мажбурий меҳнат фақат ва фақат Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси туфайлигина тарих қаърига улоқтириб ташланди.**

Бугун на тарбиячини, на муаллимни, на домлани, на ўқувчи ва талабани ҳеч ким безовта қилмайди. Улар фақат ўқиш, ўқитиш, илм қилиш, чет тилини ўрганиш, хорижга бориш, турли анжуман ва симпозиумларда иштирок этиш билан машғул.

Президентимиз байрам табригида таъкидлаганидек, бугун мактаб муаллимининг иш ҳақи 2016 йилдагига нисбатан 2,5 марта, профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маоши эса 5 карра ва ундан зиёд ошди.

Рости, талаб қилиш ҳамма вақт ҳам осон. Лекин яратиш, ислоҳ этиш, ҳар доим ҳам қийин кечган. Олий ўқув юртларидаги қисқаришлар, талаб ва таклифларни ўрганмаслик, ҳар хил баҳоналар билан профессор-ўқитувчиларни ишдан четлатиш ҳам жуда оғир оқибатларга олиб келганини тан олишимиз зарур.

Қабул квоталарининг йилдан-йилга камайиши, олий ўқув юртига ўқишга кириш имтиҳонларидаги адолатсизликлар натижасида шундай аҳволга келдикки, мактабларимизда муаллим, шифохоналаримизда врачлар, агроном, муҳандис, қурувчилар етишмовчилиги юз берди.

Бу қайсидир маънода сунъий равишда атайлаб қилинганга ҳам ўхшайди.

**Бир пайтлар Марказий Осиёнинг илм-фан, таълим-тарбия маркази бўлган Ўзбекистон бу борада етакчилик ролини йўқотиб қўйди. Атрофимиздагилар эса бундан усталик билан фойдаланишди. Болаларимиз бизга ёт бўлган юртларга бориб ўқишга мажбур қилинди.**

**Фақат ва фақат Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий талаб ва топшириқлари билан олий ўқув юртига киришнинг бутунлай шаффоф тизими йўлга қўйилди. Қабул квоталари оширилди. Олий таълим халққа яқинлаштирилди. Сарсон-саргардонликда юрган болаларимиз ота-оналарининг бағрига қайтарилди. Бир пайтлар илмий ишларини ташлаб кетган, соҳадан юз ўгирганлар ҳам яна олий ўқув юртларига қайта бошлади.**

Президентимиз табригида қайд этилганидек, қисқа муддатда юртимизда 135 та янги олийгоҳ очилиб, уларнинг умумий сони 211 тага етказилгани, тизимда қамров даражаси 4 баробардан зиёд ошиб, 9 фоиздан 40 фоизга етгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Мен ярим аср умри таълим даргоҳларида ўтган бир муаллим сифатида шуни биламанки, **“Оила + мактабгача таълим муассасаси + мактаб”** тизими тўлақонли ишламаса, маррага етиб бўлмайди.

Аввало, биз, оила масъулиятини оширишимиз, ота-онанинг бурчига чуқурроқ эътибор қаратишимиз зарур.

**Мактабгача таълим муассасалари фаолиятига таълимнинг бошланғич даврини чуқурроқ сингдиришимиз керак. Бунинг натижасида оиладан мактабгача таълим муассасасига маълум бир кўникмаларга эга бўлган бола боради. Мактабгача таълим муассасасидан мактабга ҳам анча-мунча шаклланган бола қабул қилинади.**

Мутахассисларнинг маълумотига қараганда, инсон ўз ҳаёти давомида оладиган билим ва кўникмаларнинг асосий қисмини болаликда жамғарар экан. Биз айнан мана шу даврда бепарволикка йўл қўямиз. Ҳаттоки, “ҳали бола-да” деган бемаъни қарашимиз ҳам бор. Тасаввур қилинг, юқорида биз айтаётган механизм тўғри, ҳалол, шаффоф ишласа, олий ўқув юртига қандай йигит-қизлар кириб келади? Биз уларга оддий, элементар икир-чикирларни эмас, фаннинг юқорироқ нуқталарини ўргатамиз. Агар бола мактаб дастурини тўлиқ ва пухта ўзлаштирган бўлса, олий ўқув юртида бутунлай бошқача муҳит пайдо бўлади. Ўшанда олий ўқув юрти ўзининг функциясини бажаришга киришади.

Олий ўқув юртларидан ўз касбининг эгалари бўлмиш чуқур билимли мутахассислар, олимлар, илм билан шуғулланувчилар етишиб чиқади. Бунинг натижасида бутун жамиятда ўзгариш, янгиланиш юзага келади. Илм-фан ҳамма соҳага, тармоққа кириб боради. Ҳақиқий маърифат мўъжизаси юз беради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган **“Янги Ўзбекистон — маърифий жамият”** ғояси аслида шу эмасми?

**Рустам ХОЛМУРОДОВ,**
**Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

“MILLIY TIKLANISH” DEMOKRATIK PARTIYASI

Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини янада ошириш йўлидаги асосий мақсадлардан бири — **миллий иқтисодиётнинг барқарор ва узоқ муддатли ривожланишини таъминлашдир. Барқарор иқтисодиёт** эса инфляция ва ишсизликни камайтириб, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг ошишига хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, “Миллий тикланиш” демократик партияси ўз дастурида **миллий иқтисодиёт ва туризмни ривожлантириш** масаласини устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб, бу борада муҳим таклиф ва ташаббусларни илгари сурмоқда.

## Миллий иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўзининг ғоя ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда миллий қадрият ва анъаналар, маданий меросни асраш, тил, таълим ва тарбия масалаларини қанчалик муҳим деб ҳисобласа, **миллий иқтисодиётни ривожлантириш** масалаларига ҳам энг муҳим мақсадлардан бири сифатида қарайди. Зеро, иқтисодиётнинг самарали ва жадал ривожланиши мамлакатдаги ЯИМ ҳажми ортишига, пировардида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар ҳажмининг кўпайишига олиб келади.

**Бу борада партия қуйидагиларни ташаббус қилади:**

- *бозорларда энг муҳим истеъмол маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида фермерлар, жумладан, маҳаллий озиқ-овқат ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш дастурларини жорий қилиш;*
- *маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга маҳсулотларини ташқи бозорга тез, ўз вақтида ва қулай нархларда олиб чиқиши учун божхона тартиб-таомилларида қулайликлар яратиш;*
- *масофавий (онлайн) божхона хизматлари турларини кўпайтириш.*

Албатта, мазкур ташаббусларни амалга ошириш қатор ташкилий чора-тадбирларни ҳам талаб этиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга экспортни рағбатлантириш бўйича турли имтиёз ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва кенгайтириш учун субсидиялар ажратиш, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва “ягона дарча” тизимини жорий қилиш, шунингдек, миллий брендларни ривожлантириш ва уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини оширишни тақозо этади.

Бу борада шуни алоҳида айтиш керакки, иқтисодий рақобат кучайиб бораётган бир шароитда миллий ишбилармонлар ва тузилмалар манфаатини оқилона ҳимоя қилиш мезонлари асосида фуқароларни рағбатлантириш ва жамиятни қадриятлар атрофида бирлаштириш партия учун устувор вазифа ҳисобланади.

Шу боис юқорида қайд этилган ташаббуслар партия ғоя ва мақсадларига мос бўлиб, миллий ишлаб чиқарувчи ва миллий брендларнинг ривожланишига имкон беради. Шу йўл билан ички бозорни сифатли ва арзон нархдаги маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириш, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш мумкин.

Мазкур таклиф ва ташаббусларнинг амалга оширилиши эса миллий иқтисодиётнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшади. Жумладан, ҳар йили мева ва полиз маҳсулотлари, озиқ-овқат товарлари нархлари ўзгариб кетишининг олди олиниб, деҳқонларимиз ва истеъмолчиларимиз учун олдиндан прогноз қилиш мумкин бўлган **барқарор бозор нархлари** шаклланади. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотларини хорижий бозорларга эркин олиб чиқиш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

**Хусусий мулкка оид ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини кучайтириш, эркин бозор ва ҳалол рақобат муносабатлари партия диққат марказида бўлади!**

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркорлик фаолиятининг ривожи эса хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқ саналади. Шу жиҳатдан, “Миллий тикланиш” демократик партияси ўз дастурида мазкур масалага ҳам алоҳида эътибор қаратган ҳолда бозор иқтисодиётини қадриятларга асосланган тарзда ривожлантириш, хусусий мулк дахлсизлиги, эркин ва ҳалол рақобат муносабатларини сўзсиз таъминлашга доир ташаббусларни илгари сурмоқда.

Лекин айрим партияларнинг Сайловолди дастурида биз учун муҳим қадрият саналган хусусий мулк ҳуқуқи дахлсизлигини бузишга сабаб бўлувчи таклифлар билдирилганлигини қабул қилиб бўлмайди. Масалан, Халқ демократик партияси ўз Сайловолди дастурида илгари сурган шахсий транспорт воситаларининг давлат рақами тоқ ва жуфтлигига қараб ҳафта кунлари ўртасида тақсимланган ҳолда ҳаракатланишини чеклаш таклифи фикримизга мисол бўлади. Бу, аввало, фуқароларнинг шахсий транспорт воситаларидан эркин фойдаланиш билан боғлиқ мулк ҳуқуқларига дахл қилади.

Шу сабабли, “Миллий тикланиш” демократик партиясининг **шахслар ва тадбиркорларнинг хусусий мулкка оид ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини кучайтириш** билан боғлиқ таклифи бошқа айрим партия Сайловолди дастурларидан фарқли ҳолда тизимли ёндашуви билан ажралиб туради ҳамда давлат иқтисодий сиёсатида доимий равишда устуворлик касб этиши лозимлигини англатади.

Албатта, мамлакатимиздаги ҳар бир шахснинг иқтисодий эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқ бўлган хусусий мулк дахлсизлиги, эркин ва ҳалол рақобат муносабатларини сўзсиз таъминлаш мақсадида самарали иқтисодий-ҳуқуқий механизмларнинг яратилиши мулкдор бўлиш имкониятини ва мулк дахлсизлигини оширади, соғлом рақобат асосида тадбиркорлик фаолиятини юритиб, истеъмолчиларга арзон ва сифатли товар ҳамда хизматларни таклиф қилиш имкониятини беради.

## Ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатлар ва истеъмол маҳсулотлари нархларининг асоссиз ўсишининг олдини олиш, миллий валютанинг қадрини ошириш устувор вазифалардан бири бўлади!

Албатта, партия учун ишлаб чиқарувчиларнинг бундай турдаги харажатларни минималлаштириш, аҳоли истеъмол маҳсулотлари нархлари назорати ҳар доим кун тартибидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки аҳоли кундалик турмуш даражаси, аввало, истеъмол маҳсулотлари нархлари мақбуллиги, харажат ва даромадлар мутаносиблиги, шунингдек, пул-кредит сиёсатининг самарадорлигига бевосита боғлиқдир.

**Бу ҳаётий эҳтиёж ва ҳақиқатни тўғри англаган ҳолда, партия ўз стратегик ҳужжатида қуйидаги ташаббусларни илгари сурмоқда:**

- *ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларнинг асоссиз ўсишининг олдини олиш;*
- *истеъмол маҳсулотлари нархлари назоратини кучайтириш ва асоссиз оширилишини чеклаш;*
- *миллий валютанинг қадрини ошириш.*

Қайд этиш керакки, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатларнинг ортиқча ўсиши маблағларнинг мақсадсиз сарфланишига, корхоналар молиявий аҳволининг ёмонлашувига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ҳажми қисқариши, маҳсулот таннархи ва нархи ошишига сабаб бўлади. Шу боис ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатлар устидан қатъий назорат ўрнатиш, уларни мақбуллаштириш механизмларини жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ички бозорни сифатли ва арзон нархдаги маҳсулотлар билан тўлдириш орқали аҳоли учун зарур истеъмол товарлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш уларнинг ижтимоий ҳаёти ва турмуш фаровонлигини оширишга имкон беради. Миллий валютанинг қадрини ошириш борасида эса Марказий банк томонидан оқилона пул-кредит ва валюта сиёсатини юритиш, валюта бозорини янада эркинлаштириш, унда бозор механизмлари ва рақобат муҳитини ривожлантириш чора-тадбирларини изчил давом эттириш лозим.

## Партия солиққа тортиш тизимини соддалаштиришга долзарб вазифа сифатида қарайди!

Алоҳида таъкидлаш керакки, партия мамлакатимизда **тадбиркорлик ва бизнес муҳитини** янада яхшилашга доир ислоҳотларни қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга, мазкур ислоҳотларни янги ғоя ва ташаббуслар билан бойитиш мақсадида таклиф этилаётган устувор вазифалар мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш орқали халқимизнинг фаровон турмушини таъминлашга хизмат қилади.

Бу борада, айниқса, партиянинг **солиққа тортиш тизимини соддалаштириш** каби ташаббуси иқтисодий барқарорлик ва бизнес муҳитини янада ривожлантиришга имкон беради. Солиқ юкини камайтириш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратади, соғлом рақобат муҳитини шакллантиради. Бу эса иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини кўпайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Лекин айнан солиқ масалалари билан бевосита боғлиқ бўлган Ўзбекистон Экологик партиясининг тамаки маҳсулотларига қўшимча экологик солиқ, хавфли фаолият турлари билан шуғулланувчи ташкилотларга экология солиғи, углерод солиғи, табиатга етказилаётган зарар миқдоридан келиб чиқиб табақалаштирилган солиқлар жорий этиш, шунингдек, экологияга кўп зарар етказувчи ташкилотларнинг **солиқларини ошириш каби ташаббусларини ҳаётий, деб бўлмайди.**

Солиқлар кўпайиши корхоналарнинг юкламаси ошиши ва инвестиция муҳитига салбий таъсир қилиши мумкин. Бошқача айтганда, корхоналарнинг иқтисодий барқарорлиги, ишчи ўринлари қисқаришига сабаб бўлиб, оқибатда миллий иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади. Солиқ тизимини ислоҳ қилишда солиқ турлари сонини оптималлаштириш, солиқ имтиёзларининг шаффофлиги ва мақсадлилигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада бизнинг ёндашувимиз — **санкция ёки солиқлар орқали эмас, балки рағбатлантириш йўли билан экологик стандартларни жорий этишдир.**

Бундан ташқари, иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли даромадларини ошириш ва бу жараёнларда солиқлар масаласи ҳақида гап кетганда, “Адолат” социал-демократик партиясининг **“кўп даромад топган, кўп солиқ тўлайди”** тамойилига кўра солиққа тортишнинг прогрессив ставкаларини ҳаётга жорий этиш ва шу орқали даромадлар тенгсизлигини камайтириш **ташаббусига мутлақо қўшилмаймиз**.

Сабаби, бу бир томондан иқтисодий ҳаракатчанлик, даромадга нисбатан мотивацияни камайтирса, иккинчидан, ҳуқуқдаги тенглик, қонунларнинг барчага тенг ва бир хил қўлланиши принципига ҳам дахл қилади. Агар асосий мақсад солиқларни камайтириб, аҳоли даромадларини ошириш бўлса, тенглик тамойилидан келиб чиқиб, бу ташаббусни топган даромадидан қатъи назар, барча учун жорий этиш имкониятлари ҳақида ўйлаш керак. Бошқача айтганда, **“даромадлар тенгсизлигини камайтириш”**ни кўп даромад топганларга солиқ юкини кўпайтириш ҳисобига амалга оширмаслик лозим.

## Партия “яшил” иқтисодиётга ўтишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди!

**Жаҳон банки** бу йил мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти **5,3 фоизга** ўсишини прогноз қилди. Бу кўпгина давлатлар билан солиштирганда анча юқори кўрсаткич ҳисобланади. **Халқаро валюта жамғармаси** эътироф этганидек, 2023 йилда ялпи ички маҳсулотимиз илк маротаба **100 миллиард доллардан** ошди.

Бу натижаларни янада ривожлантириш ва мамлакат иқтисодий салоҳиятини кучайтиришни, бугунги замонавий бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқсак, амалдаги тартиблар, ишлаб чиқариш қувватлари орқали амалга ошириш қийинлигини партия яхши тушунади.

Шундан келиб чиқиб, “Миллий тикланиш” демократик партияси ўзининг Сайловолди дастурида саноатни ривожлантиришда **“яшил” иқтисодиёт**га ўтиш, аҳолини арзон ва муқобил **энергия ресурслари** билан таъминлаш, қазиб олинадиган **ёқилғиларга** босқичма-босқич боғлиқликни камайтириш каби аниқ ғоя ва ташаббусларни таклиф этади.

Ҳар йили Ўзбекистон аҳолиси ўртача **1 миллион** нафарга ошмоқда. Мамлакатда яратилган тадбиркорлик имкониятлари, **адолатли, ҳалол ва соғлом** рақобат асосидаги замонавий бизнес муҳити натижасида тадбиркорлик субъектлари сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, анъанавий энергия манбалари чекланганлиги шароитида муқобил энергия манбаларига бўлган талабни янада оширади.

Бу борада партиянинг аҳолини **энергия ресурслари билан таъминлаш, шунингдек,** қазиб олинадиган **ёқилғиларга** босқичма-босқич боғлиқликни камайтиришга оид ташаббуслари нафақат ҳаётий зарурат, балки бугунги экологик муаммолар ўртага чиқаётган бир шароитда муносиб ечим ҳисобланади.

Мазкур таклифлар доирасида қайта тикланувчи энергия ресурсларини излаш ва улардан фойдаланишни рағбатлантириш, “яшил” технологияларга инвестициялар киритишни фаоллаштириш, энергия тежамкор ускуналар ва қурилмалардан кенг фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш мақсадга мувофиқ бўлиб, нафақат экологик жиҳатдан, балки иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан катта имкониятлар беради.

Шу боис **партиянинг “яшил” энергияга ўтишни рағбатлантириш ташаббусини** халқчил ва ўз вақтида кўтарилган, долзарб масалалар ечимига қаратилган таклиф сифатида баҳолаш мумкин. Бу бугунги кунда барчамиз учун ҳаёт-мамот масаласига айланган **ҳаво ва атроф-муҳит тозалигини таъминлаш** орқали халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга имкон беради.







## Туризмни ривожлантириш стратегияси

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш иқтисодий равнақнинг муҳим компонентларидан бири бўлиб, миллий иқтисодиётнинг диверсификациясига, валюта тушумларини кўпайтириш ва мувозанатини яхшилашга, аҳоли ижтимоий фаровонлигини ошириб, мамлакатнинг ташқи иқтисодий сиёсатини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Туризм иқтисодиётнинг **замонавий драйверларидан** бири ҳисобланиб, партия унга бугун жаҳон халқлари ўртасида маданий алмашувларни кучайтирадиган, бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлайдиган қудратли восита сифатида қарайди.

Шу жиҳатдан, партия ўз дастурида туризм халқимизнинг узоқ асрлар давомида яратилган ва асраб келинаётган тарихий-маданий мероси билан чет элликларни таништириш орқали халқимизнинг тарихий тараққиёти, маданияти, санъати, қадриятлари ҳақида маълумотлар бериш воситаси эканлигини алоҳида таъкидлаб, соҳа ривожига қаратилган хавфсиз туризмни ривожлантириш, стартап лойиҳаларни амалга ошириш йўналишларида қатор таклиф ва ташаббусларни ўртага ташламоқда.

Туризм ривожланиши тадбиркорлик муҳитини яхшилашга ва хусусий секторда янги лойиҳаларни ишга туширишга имконият беради. Бу эса янги иш ўринлари яратиш ва бандликни оширишга олиб келади, меҳмонхона, ресторан, транспорт, логистика, экскурсия ва бошқа хизматлар соҳаларида кўплаб иш ўринлари очилади.

ICAO маълумотига кўра, ҳар 8-10 иш ўрнининг биттаси ушбу соҳага тегишли бўлмоқда. 2023 йилда мамлакатимизда умумий қиймати 9,5 трлн. сўмлик 508 та лойиҳа амалга оширилганлигининг ҳисобига жами 9 492 та янги иш ўрни яратилди. 183 та янги меҳмонхона ва 232 та хостел фаолияти йўлга қўйилиб, жами жойлаштириш воситаларининг сони 5 526 тага етди. Сайёҳлар учун хизмат кўрсатувчи 810 та янги туристик ташкилот ва турагентлар фаолиятининг йўлга қўйилиши натижасида улар сони 2 649 тага етди.

Шу боис туризмни ривожлантириш масаласи ҳам “Миллий тикланиш” демократик партиясининг асосий ташаббусларидан бири бўлиб, у партиянинг миллий **маданий мерос объектларини** муҳофаза қилиш, **тарихий обидаларни** асраш, **миллий маданиятни** кенг тарғиб этиш каби мақсадларига ҳам бевосита мос келади.

Тўғри, сўнгги йилларда мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, сайёҳларни кенг жалб этиш, туризм инфратузилмасини яхшилаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, хорижий туристларни юртимизга жалб қилиш учун туризм ташкилотларини айланма маблағ билан таъминлаш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан **50 миллион доллар** қийматида кредит ажратилмоқда. Салоҳияти юқори бўлган жойларда мастер-режалар асосида туризм масканлари барпо этилиб, улар инфратузилмасини яхшилаш учун жорий йилда республика бюджетидан **100 миллиард сўм** йўналтирилиши, уларнинг ҳар бирига **50 миллион доллар** миқдорида инвестиция киритилиши белгиланган. Шунингдек, бу борада қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, институционал ислоҳотлар амалга оширилди. Лекин мамлакатимизнинг туризм салоҳияти бундан-да катта имкониятларни намоён этгани ҳолда иқтисодиётда туризмнинг улушини янада ошириш учун барча шароит мавжуддир.

Алоҳида айтишимиз керакки, Ўзбекистоннинг 2024 йилда саёҳат қилиш учун **энг яхши давлатлар** рўйхатига киритилиши ва **“World of Statistics”** томонидан бу ҳақда хабар тарқатилиши мамлакатимизга хорижлик сайёҳлар сони ҳамда сайёҳлик экспорти ҳажмининг ортишига хизмат қилади.

Бу эса мамлакатимизда туризм соҳасини янги босқичга олиб чиқишни кун тартибига қўйиб, янги ғоя ва ташаббусларни талаб этади. Айни шу жиҳатдан, мазкур масалага алоҳида йўналиш сифатида қараб, партия қатор таклиф ва ташаббусларни ўз Сайловолди дастурида илгари сурмоқда.

Хусусан, туризм соҳасини **умуммиллий ҳаракатга** айлантириш, **“очиқ эшиклар”** сиёсатини юритиш, **визасиз кириш тизимини кенгайтириш** каби ташаббуслари ўз вақтида кўтарилгани билан аҳамиятли саналади. Жумладан, биргина визасиз кириш тизими хусусида сўз юритганда алоҳида қайд этиш керакки, мазкур тизим доирасида амалга оширилган сўнгги ислоҳотлар натижасида 2017 йили мамлакатимизга **2 миллион 700 минг**, 2018 йилда **5 миллион 300 мингдан** ортиқ сайёҳлар ташриф буюрган бўлса, 2023 йилга келиб уларнинг сони **6 миллион 626 минг** нафарга етди. Биргина 2024 йилнинг январь — июль ойларида ҳаммаси бўлиб **4 миллион 242,9 минг** нафар чет эл фуқароси сайёҳлик мақсадларида Ўзбекистонга келган. Бу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даври билан солиштирилганда **562,5 минг нафар**га ёки **15,3 фоиз**га ошган.

Мазкур рақамларнинг ўзи ҳам партия томонидан “очиқ эшиклар” сиёсати, визасиз кириш тизими борасидаги билдирилган таклифларнинг реал ҳаётийлигини кўрсатади. Шу сабабли, бу борадаги таклифларни ҳаётга татбиқ қилишни кечиктирмаслик нафақат иқтисодий манфаатларга, балки партия мақсад ва ғояларида устуворлик касб этадиган миллий қадриятлар, бой тарихимиз ва миллий маданиятимизни жаҳон халқларига кенг тарғиб қилиш имконини беради.

Бундан ташқари, партия томонидан билдирилган **“Туризм ассамблеяси” коллегиал-консультатив кенгаши** фаолиятини ташкил этиш, туризмни комплекс ривожлантириш бўйича **2030 йилгача бўлган стратегияни** ишлаб чиқиш, миллий туристик маҳсулотлар рекламаси — **таргетинг стратегиясидан**, тарғиботда ижтимоий-медиа имкониятларидан фойдаланиш каби ташаббусларини ижобий баҳолаш мумкин. Бу ғоялар мамлакатда мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш орқали ҳам маънавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан янада юксалиш имконини беради.

Албатта, бой тарихий обидаларга, туризм имкониятларига эга бўлиш — бу бир ютуқ бўлса, уларни кенг жамоатчилик ва дунё ҳамжамиятига, содда қилиб айтсак, турист ҳамда саёҳатчиларга танитиш ва тарғиб этиш алоҳида вазифа ҳисобланади. Шу сабабли, партиянинг юқорида айтилган миллий туристик маҳсулотлар рекламаси — таргетинг стратегиясидан фойдаланиш, тарғиботни кучайтиришда бугунги кунда асосий ахборот ва тарғибот манбаси, воситаси бўлган ижтимоий-медиа имкониятларидан кенг фойдаланиш ташаббуси жуда муҳимдир.

Умуман олганда, иқтисодий тараққиёт, бу борада туризм соҳасини янада ривожлантириш мамлакатнинг келажаги учун мустаҳкам пойдевор бўлади. Миллий иқтисодиёт, хусусан, туризм соҳаси ривожланишининг ҳозирги ҳолати ҳамда тизимдаги ижобий тенденциялар бу соҳани янада ислоҳ қилиш **Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг** омили ҳисобланади.

Шу боис “Миллий тикланиш” демократик партияси мазкур ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда барқарор иқтисодиёт ва туризмни ривожлантириш бўйича стратегик вазифаларни, таклиф ва ташаббусларни ўртага ташламоқда.

Мухтасар айтганда, партия Сайловолди дастурида белгиланган ғоя ва ташаббуслар ҳаётга изчил татбиқ этилиши миллий иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини ошириб, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга, пировардида эса стратегик мақсад бўлган **Ўзбекистоннинг 2030 йилга бориб жон бошига ҳисоблаганда аҳолиси даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторидан жой олишига** хизмат қилади.

**Назира МУХТОРОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси,**
**Фарҳод ЗАЙНИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

**«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВА УНИНГ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

## Ўзбекистон Экологик партияси:

# БИЗНИНГ МАҚСАД — «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ УЧУН ЯШИЛ ЧИРОҚНИ ЁҚИШ

**Иқтисодиётни “яшиллаштириш”, йилдан-йилга муттасил ўсиб бораётган энергияга бўлган эҳтиёжни “яшил” энергия ва бошқа муқобил энергия турларига ўтиш асосида қондириш тобора долзарб вазифага айланиб бормоқда. Глобал тус олаётган иқлим ўзгаришининг олдини олиш, унинг оқибатларини бартараф қилиш ривожланиш йўлидаги муҳим қадам эканлиги жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Бутун дунёда бошланган бу саъй-ҳаракатларга Ўзбекистон ҳам фаол қўшилмоқда.**

“Яшил” иқтисодиётга ўтишнинг илк қадами энергетика соҳасини, хусусан, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ҳисобланади. Бу эса табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни тежаш билан биргаликда экологик мувозанат барқарорлигини ҳам таъминлайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда энергетик барқарорликка эришиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш борасида дадил қадамлар ташланиб, салмоқли натижаларга эришилмоқда. Сўнгги етти йилда соҳада, аввало, ҳуқуқий база мустаҳкамланди, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси қабул қилинди.

Саноатнинг тез суръатлар билан ривожланиши, аҳоли сони ва турмуш даражаси ошишига мутаносиб равишда энергияга бўлган талаб ҳам муттасил ўсмоқда. Бу энергия ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтиришни талаб этади.

Бугунги кунда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида умумий қуввати **2,4 ГВт** бўлган **9 та** қуёш ва **1 та** шамол электр станцияси **“яшил” энергия** ишлаб чиқармоқда. Келгусида Қорақалпоғистон Республикасида умумий қуввати **8 300 МВт**, Навоий вилоятида **1 200 МВт**, Самарқанд вилоятида **1 000 МВт**, Сурхондарё вилоятида **2 017 МВт** бўлган, шунингдек, бошқа вилоятларда ҳам қуёш, шамол ва гибрид электр станцияларини ишга тушириш режалаштирилган.

Соҳада олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида 2026 йилга бориб Ўзбекистонда умумий қуввати **5000 МВт**, 2030 йилда эса **18 000 МВт**дан ортиқ бўлган қуёш ва шамол электр станциялари иш бошлайди. Мазкур “яшил” лойиҳалар ишга туширилгач, 2030 йилга бориб йилига **50 миллиард кВт/соат** электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Аҳоли, ижтимоий объектлар, тадбиркорлик субъектлари эҳтиёжларини қоплаш учун кичик қуввати қайта тикланувчи энергия манбаларини барпо этиш лойиҳалари ҳам фаол қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, жисмоний шахсларга тегишли қуёш панелларида ишлаб чиқарилган ва ўз истеъмолидан ортган электр энергиясини давлат томонидан сотиб олиш амалиёти йўлга қўйилди.

Табиий ресурсларга келажак авлодларнинг ҳам биз билан бирдек ҳаққи борлигини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Экологик партияси 2024 — 2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида электр энергетикаси соҳасини “яшиллаштириш” борасида аниқ ташаббус ва тавсияларни таклиф этмоқда.

**Биринчидан — “яшил” иқтисодиётга ўтиш жараёнида аҳолини ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини хавфсиз ва барқарор энергия билан таъминлаш.**

Бугунги кунда энергетика тармоғидаги кўплаб асосий ва тақсимловчи тармоқ подстанциялари ҳамда трансформатор станциялари маънан эскирган ва тизимда янгиланиш жараёни нисбатан суст бораётгани оқибатида соҳада технологик йўқотишлар юқорилигича қолмоқда. Масалан, мавжуд магистраль тармоқларда электр энергиясининг технологик йўқотилиши ўртача **2,7 фоиздан**, тақсимловчи тармоқларда **12,4 фоиздан** ортиқни ташкил этиб, бу хорижий мамлакатлардаги кўрсаткичдан юқори ҳисобланади.

Мана шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Экологик партияси **саноатда энергия тежамкор технологияларни жорий этиш орқали энергия сарфини 50 фоизга қисқартириш, 2030 йилгача энергия балансида экологик тоза ва қайта тикланувчи энергия манбалари улушини камида икки карра оширишни** мақсад қилган.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган жами электр энергиясининг 40 фоизини қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасига етказиш натижасида йилига қарийб **15 млрд. куб метр** табиий газ тежалишига эришилади ва атмосфера ҳавосига чиқариладиган зарарли газлар миқдори **21 млн. тонна**га камаяди.

Шу ўринда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида “келгуси **беш йилликда** мавжуд энергия қувватларининг камида **30 фоизини** муқобил энергия манбалари ташкил этишига эришиш” ғояси илгари сурилмоқда.

Эътибор қаратадиган бўлсак, “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастурида илгари сурилган ушбу ғоя “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида қайта тикланувчи энергия манбаларини **25 минг МВт** ҳамда жами истеъмолдаги улушини **40 фоизга** етказиш бўйича белгиланган кўрсаткичга нисбатан **10 фоизга** пастдир.

Қайта тикланувчи энергияни ривожлантиришга нисбатан юқори эҳтиёж мавжуд бўлган бир вақтда, партиянинг бундай позицияси турли талқинларга ва тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, ЎзЛиДеП Сайловолди дастурида кўмир, мазут каби энергия манбалари атроф-муҳитга кучли зарар етказаётгани, улар ўрнига босқичма-босқич **экологик тоза геотермал** ва бошқа қайта тикланувчи энергия турларини кенг йўлга қўйиш талаб этилиши таъкидланмоқда.

Айтиш жоизки, геотермал ресурслар одатда вулқон ва сейсмик фаоллик кучайган зоналарда тўпланган бўлиб, ер остидан ёки ерда сақланган иссиқликдан олинадиган (буғ ёки иссиқ сув шаклида) энергия ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудудида фойдаланиш мумкин бўлган ер қаърида жойлашган геотермал ресурслар захиралари 5-6 километргача чуқурликда жойлашгани, ишлаб чиқариш таннархи қимматга тушиши ҳисобга олинса, яқин келажакда геотермал ресурслардан фақат иссиқлик энергияси (коммунал соҳада уйларни иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш) сифатида фойдаланиш мумкин.

Шу сабабли, ЎзЛиДеПнинг Сайловолди дастуридаги бу ғоясини ҳам келгуси 5 йилда амалга ошириш имкониятлари чекланган, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида, *электр жамоат транспорт воситалари* улушини кўпайтириш, ***бепул электр қувватлаш станцияларини*** ўрнатишни йўлга қўйиш устида фаол иш олиб бориш таклиф қилинмоқда.

Халқ демократик партияси **бепул** ***электр қувватлаш станцияларини*** ўрнатишни ташкил этиш таклифини илгари суришдан аввал, бепул бериладиган электр энергияси харажатлари ким томонидан ва қайси маблағлар ҳисобидан қопланишини таҳлил қилмаган бўлса керак.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги электромобиллар сони **35 минг**дан ошганини, битта элетромобилнинг бир ҳафта юриши ўртача **45 кВт** электр энергияни талаб қилиши ва **1 кВт** ўртача **2700 сўм** туриши ҳисобга олинса, айни пайтда мамлакатимизда мавжуд бўлган электромобилларнинг бир йиллик харажатлари қарийб **230 млрд. сўм**га етади.

Электромобиллар сонининг ҳар йили ўртача **50 минг** донадан кўпайиб боришини, бепул электр энергияси сарфи ошишини ва кейинги **беш йилдан** сўнг уларнинг сони қарийб **300 минг**га бориши мумкинлиги тахмин қилинса, бу сумма **10 трлн. сўмдан** ошиб кетади. Бу ўз ўрнида “харажатлар солиқ тўловчилар зиммасига тушиб, Давлат бюджетидан қопланадими”, деган табиий савол туғдирмайдими?




Партиямиз мамлакатимизда **истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлашнинг** асосий замини қуйидагилар бўлиши керак, деб ҳисоблайди:

*— иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда **энергия тежовчи технологияларни** жорий этиш ва энергия самарадорлигини ошириш, истеъмолчиларнинг **электр энергиясидан оқилона фойдаланишларини рағбатлантиришга** қаратилган иқтисодий механизмларни жорий қилиш;*

*— ортиб бораётган энергияга бўлган талабни қондириш мақсадида электр энергиясини ишлаб чиқаришда, етказиб бериш ва тақсимлашда **энергия йўқотишларини камайтириш** орқали самарадорликка эришиш;*

*— **электр ускуналари** ва **тармоқларини босқичма-босқич реконструкция қилиш** ва янгилаш ҳисобига электр ускуналаридаги йўқотишларнинг олдини олиш;*

*— **қайта тикланувчи энергия манбаларидан** фойдаланишни янада ривожлантириш, кенгайтириш ва уларни **ягона электр тизимига интеграциялаш;***

*— **электр энергетика бозорининг** самарали моделини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.*

Партиямизнинг Сайловолди дастуридан ўрин олган **йирик саноат корхоналарида микроэнергетика ишлаб чиқариш манбаларини жорий этиш, 2050 йилгача 60 — 80 фоиз уйларнинг иситиш тизимининг қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобидан** қопланишини таъминлаш бўйича дастур қабул қилишга оид муҳим таклифлари юртимизда энергия самарадорлигини оширишда, шубҳасиз, катта қадам бўлади.

Иқтисодиётнинг барча соҳасида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга ўтиш ва бу **жараённи рағбатлантиришнинг узвий механизмларини яратиш** таклифи ҳам Сайловолди дастуримиздан ўрин олган. Жумладан, аҳоли хонадонларида **кичик ҳажмдаги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириш** тизимига ўтиш соҳага инвестицияларни кенг жалб этиш, аҳоли орасида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни янада кенг оммалаштиришга хизмат қилади.

Аввало, чекка ва олис ҳудудларда қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланувчилар фаол қўллаб-қувватланиши ҳамда улар учун жозибадор лойиҳаларни таклиф этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Мисол учун, партиямиз қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини харид қилган ва ундан фойдаланишни йўлга қўйган **барча турдаги истеъмолчилар учун мазкур қурилма харид қийматининг 50 фоизини давлат томонидан субсидиялаш** тизимини жорий этишни илгари сурмоқда. Бундан ташқари, **энергия тежовчи арзон уй-жойлар қуриш** бўйича лойиҳаларни рағбатлантириш тизимини жорий қилиш борасидаги таклифимиз ҳам айни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

**Иккинчидан, қайта тикланувчи энергияни ривожлантириш орқали ресурслардан оқилона фойдаланиш бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланмоқда.**

Париж битими доирасида Ўзбекистон 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган “иссиқхона газлари” ташланишини **35 фоизга** камайтириш мажбуриятини олган. Партиямиз томонидан илгари сурилаётган қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш эвазига **қазиб олинадиган ёқилғи ресурсларини келгуси авлод учун захира сифатида сақлаш**га эришишга оид таклифлар карбонат ангидрид газларини **5 млн. тонна**га камайтириш имконини ҳам беради.

Тадқиқотларга кўра, Ўзбекистон углеводород энергияси — нефть, газ, кўмирдан фойдаланиш ҳисобига ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг камида **4,5 фоизини** йўқотмоқда. Шу боис мамлакатимизда ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан самарали ҳисобланган “яшил” энергетикага ўтиш ҳар жиҳатдан афзал ҳисобланади.

Сайловолди дастурида белгиланган **водород энергетикасини ривожлантириш ва ундан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш** ҳам бугунги кун учун янги ва истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Бир қатор ривожланган давлатларда углеводород ресурслар ўрнини бошқа манбалар ҳисобига қоплаш, жумладан, “яшил” водород энергетикасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

**Учинчидан, партия глобал иқлим ўзгаришлари шароитида мамлакат экологик хавфсизлигини таъминлаш ва барқарор экологик ривожланишга асосланган иқтисодиётни барпо этиш тарафдоридир.**

Ушбу ғояни амалга ошириш учун Ўзбекистон Экологик партияси Сайловолди дастурида бир қатор вазифалар белгиланганини айтишимиз лозим. Жумладан:

● *экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи **тадбиркорлик субъектларини қўшилган қиймат солиғидан озод этиш;***

● *иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатишга қаратилган **иқлимий молиялаштириш** тизимини йўлга қўйиш;*

● ***“яшил” инновацияларни жорий қилиш**да хусусий инвесторларни қўллаб-қувватлаш, давлат-хусусий шерикликни ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш;*

● *тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахслар учун **“яшил” депозит хизматлар кўрсатиш** тизимини жорий этиш ва бундай мижозлар учун алоҳида **имтиёзли банк тарифларини йўлга қўйиш**, **“яшил”** ва **рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун инвестиция фондини ташкил қилиш.***

“Яшил” иқтисодиётга ўтиш бирданига амалга ошадиган тезкор жараён эмас, албатта. Бу борада қандай молиявий дастаклардан фойдаланиш муҳимлигини эътибордан четда қолдирмаслигимиз зарур. Айниқса, бу жараёнда давлатнинг ўрни, бозор механизмлари учун яратилаётган шарт-шароит соҳанинг нечоғли ривожланиб кетишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Экологик партияси “яшил” иқтисодиётни ривожлантиришнинг молиявий юкини тўлиқ Давлат бюджетига юклаш тарафдори эмас. Айни вақтда ҳар қандай тадбиркор ва бизнес юритувчиларга **“яшиллик” учун қулай шарт-шароитлар яратиш, “яшил” лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этувчиларга имтиёзлар бериш, “яшил” иқтисодиёт тамойиллари асосида фаолият юритиши** учун рағбатлантириш ва мотивация уйғотиш биз кўзлаётган мақсадларга эришишнинг устувор йўналишига айланади.

Бугун мамлакатимиз корхона ва ташкилотларга, аҳолининг турли қатламларига муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, кам углеродли иқтисодиётга ўтишда ишлаб чиқариш жараёнида углерод сарфини камайтириш, “яшил” технологияларни қўллаш ва тегишли асбоб-ускуналар харид қилиш учун имтиёзли ёки фоизсиз кредитлар берилмоқда, субсидия, грантлар ҳамда солиқ имтиёзлари таклиф этилмоқда.

Бизнинг фикримизча, бу жараёнларни янада кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда **“яшил” ишлаб чиқарувчи” ва “яшил” истеъмолчи”лар** алоҳида намуна сифатида ажралиб туришига эришишимиз зарур. Бошқача айтганда, “яшил” иқтисодиётга камарбаста бўлаётганларга яшил чироқ доим ёниқ бўлиши шарт.

**Тўртинчидан, партиямизнинг диққат марказида бўлган вазифалардан яна бири — атмосфера ҳавосига чиқарилаётган заҳарли газлар миқдорини камайтириш ва экологик хавфсизликни таъминлаш.**

“Яшил” иқтисодиётнинг асосий талаби, аввало, умумий иқтисодиётни табиат ва **атроф-муҳитга зарар етказмасдан ривожлантиришдан** иборатдир.

Маълумотларга кўра, сўнгги йилларда Ўзбекистонда атмосферага ташламалар миқдори йилига **2 млн. тонна**дан ошаётган бўлса, шундан **63 фоизи** транспорт воситалари, **37 фоизи** саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Сайловолди дастуримиздан **атмосфера ҳавоси ифлосланиши муаммоси**га ечим бўладиган бир қатор таклифлар ўрин олган.

Биз, бу муаммога ечим бўладиган — **жамоат транспортини электробуслар ҳисобидан ривожлантириш, электробусларни зарядлаш станцияларини қуриш учун тадбиркорларга ер майдонларини ажратиш** ҳамда 2050 йилга қадар **углерод нейтраллиги** ва **“ноль” эмиссияга эришиш** каби муҳим ташаббусларни илгари сурмоқдамиз.

Партия, бугунги кунда автомобилсозлик саноати жадал суръатларда ривожланиб бораётгани, анъанавий ёқилғи билан ишлайдиган автомобиллар экологик ва иқтисодий жиҳатдан самара бермаслигини ҳамда дунё миқёсида автомобилсозликда экологик тоза электромобиллар ишлаб чиқаришга ўтиш жараёни шиддат билан ривожланаётганини ҳисобга олиб, **2035 йилгача автомобилсозлик саноатини тўлиқ электромобиль ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш** ташаббуси билан чиқмоқда.

Бугун Хитой, Европа Иттифоқи, АҚШ каби йирик автомобиль ишлаб чиқарувчилар электромобиллар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш учун кўплаб молиявий ва инфратузилмавий дастурларни амалга оширмоқда. Йирик автомобиль компаниялари ўз стратегияларини қайта кўриб чиқиб, электромобиллар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратмоқда.

Юртимизда автомобилсозлик йўналишини электромобилларга ихтисослаштиришда улар учун зарур бўлган қувватлантириш станцияларини ташкил этиш **ва техник хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш** муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Дунёда инсон фаолияти натижасида ҳар йили атмосферага **20 млрд. тонна карбонат ангидрид гази** чиқарилади ва **300 млн. тоннадан** ортиқ пластик чиқиндилар ҳосил бўлади. Партия “яшил” иқтисодиёт тамойилларини изчил амалга оширишда **барқарор ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, шунингдек, кам углеродли, ресурсларни тежовчи технологияларни жорий қилиш** зарур, деб ҳисоблайди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Экологик партияси Сайловолди дастурида белгиланган стратегик вазифаларни амалга ошириш партиямизнинг бош мақсади, яъни мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига, экологик хавфсизлигига эришиш ҳозирги ва келажак авлод учун қулай атроф-муҳитни яратиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган давлат сиёсатини рўёбга чиқариш билан бир қаторда, иқтисодиётнинг барча тармоғи ўсиши ва юксалишига, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

**Халқимизни, экологияга бефарқ бўлмаган барча фуқароларимизни дастуримизда белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бебаҳо табиий бойликларни асраб-авайлашдек муҳим мақсадларга эришишда биргаликда фаол иштирок этишга чақирамиз!**

**Она табиатимизни асраш масаласига бефарқ бўлманг!**

**Баҳриддин ҲОФИЗОВ,**
**Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари в.б.,**
**Моҳира ХОДЖАЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

**ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ПАРТИЯСИ ВА УНИНГ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ АККРЕДИТАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ БОШЛАНДИ

1 Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 5 октябрдаги 952-қарори билан тасдиқланган Сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ОАВ вакиллари сайлов кампанияси даврида холис ахборотларни кенг, тезкор ва эркин тарқатиш, шунингдек, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этиши учун аккредитациядан ўтказилади.

Оммавий ахборот воситалари сайловларга камида ўн кун қолгунига қадар Марказий сайлов комиссиясига ўз вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида мурожаат қилиши мумкин.

Жорий йил 27 октябрь куни мамлакатимизда бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир тадбирларда қатнашиш учун хорижий ва маҳаллий ОАВ вакилларининг аккредитацияси бўйича мурожаатлари мутлақо янги тартибда “E-saylov” ахборот тизими орқали электрон тарзда тақдим этилмоқда.

Эътиборли жиҳати, аккредитация бўйича мурожаатлар нафақат электрон шаклда, балки соддалаштирилган тартибда юборилмоқда. Хусусан, эндиликда мурожаат билан бирга ОАВнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ходимнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси, ОАВ вакилини аккредитациядан ўтказиш анкетаси ҳамда электрон фотосуратини тақдим этиш зарурати қолмади.

Мазкур маълумотларнинг барчаси идоралараро интеграцион платформа орқали “E-saylov” ахборот тизимида автоматик тарзда шакллантирилмоқда. Бу эса аккредитациядан ўтиш жараёнларида ОАВлар учун қўшимча қулайлик яратади ҳамда сайловларнинг янада очиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан “E-saylov” ахборот тизимига келиб тушган мурожаатларга кўра 7 та оммавий ахборот воситасининг, хусусан, 1 та телерадиоканал, 4 та босма, 2 та интернет нашрининг жами 42 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди.

Аккредитация гувоҳномалари ҳам тизим орқали автоматик тарзда янги замонавий кўринишда шакллантирилди ҳамда ОАВ вакилларига тақдим этилди.

ОАВ вакиллари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир тадбирларни ёритиши, сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиши, номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиши, муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиши ҳамда ушбу жараённи кузатиши мумкин.

Шунингдек, аккредитациядан ўтган ОАВ вакиллари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Сайлов кодексига, Марказий сайлов комиссиясининг қарорларига амал қилиши, барча даражадаги сайлов комиссияларига, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда бошқа ташкилотларга ташриф буюрганида унга берилган гувоҳномани ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатини ёнида олиб юриши, мансабдор шахслар талабига мувофиқ уларни кўрсатиши лозим.

Бундан ташқари, мажлис кун тартибига мувофиқ халқаро ва хорижий кузатувчиларнинг навбатдаги гуруҳини аккредитациядан ўтказиш масаласи кўриб чиқилди.

Жумладан, МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси, Осиё Парламент Ассамблеяси, Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши, ШҲТ каби халқаро ташкилотлардан, Малайзия, Мальдив, Арманистон, Озарбайжон, Филиппин, Грузия, Молдова, Покистон, Туркия каби хорижий марказий сайлов органларидан, Австрия, Арманистон, Беларусь, Буюк Британия, Бельгия, Испания, Қозоғистон, Жанубий Корея, Латвия, Малайзия, Нидерландия, Озарбайжон, Польша, Саудия Арабистони, Словакия, Таиланд, Франция, Япония ва Ҳиндистон каби хорижий давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот институтларининг жами 109 нафар вакили кузатувчи мақомида аккредитациядан ўтказилди.

Ҳозирги кунда аккредитация қилинган халқаро ва хорижий кузатувчилар сони 291 нафарни ташкил этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

*Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида ёшлар билан учрашув уюштирилди. Унда жорий йил 27 октябрь санасида ўтказиладиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловлари янги таҳрирдаги Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган кучли парламентаризм ва жойларда вакиллик органларининг ваколатлари сезиларли даражада кучайтирилган шароитда ўтиши, шунингдек, илк бор Қонунчилик палатасига аралаш сайлов тизими асосида бўлиб ўтадиган сайловнинг моҳияти ва аҳамияти юзасидан сўз юритилди.*

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Сайлов кодексига мувофиқ фуқаролар 18 ёшдан сайлаш ҳуқуқига эга бўлади. Жорий йилги сайловларда 700 минг нафарга яқин ёшлар биринчи марта овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланади. Бу эса сайлов қонунчилигининг мазмун-моҳияти бўйича ёшлар орасида тарғибот ишларини янада кучайтиришни тақозо қилади.

Шунингдек, мамлакатимизнинг 20 минг нафарга яқин ёшлари сайлов комиссиялари фаолиятида бевосита иштирок этиш орқали ҳам ўз сиёсий фаоллигини ифодалаб келмоқда.

Миллий сайлов қонунчилигимизга кўра, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар 25 ёшга, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар эса 21 ёшга тўлган бўлиши керак.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, аввалги сайловларга қараганда номзодлар ҳам анча ёшарган. Бу йилги давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловларида депутатликка номзодларнинг 3 мингдан зиёдини ёшлар ташкил этади.

Учрашувда сайлаш ва сайланиш, бу — ёшларнинг нафақат конституциявий ҳуқуқи, балки фуқаролик бурчи ҳам эканлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, учрашув иштирокчиларига миллий сайлов амалиётига татбиқ этилган янгиликлардан яна бири — “E-saylov” ахборот тизими ва унинг афзалликлари юзасидан ҳамда сайлов кампаниясининг муҳим босқичлари хусусида маълумотлар берилди. Иштирокчиларнинг сайловларга оид фикр ва мулоҳазалари тингланди ҳамда уларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Бундан ташқари, тадбир иштирокчиларининг овоз бериш тартиби бўйича билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида симуляцион сайлов участкасида сайлов кунидаги овоз бериш жараёни бевосита амалий хатти-ҳаракатлар мисолида атрофлича тушунтириб берилди.

Бундай тадбирларнинг ўтказилиши сайловларда биринчи маротаба овоз берувчи ёшларда сайловларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамияти нақадар муҳимлигини англаб етишларига хизмат қилади.

**«Халқ сўзи».**

# ИЛМ ВА ҲАЛОЛ КАСБ – ИККИ ДУНЁ САОДАТИ

*Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ислоҳотларнинг тотли меваларини бугун ҳар қадамда кўриб, кузатиб, ҳис этиб турибмиз. Бу ислоҳотларнинг бош мақсади инсон қадрини улуғлаш, халқимизни рози қилишга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир.*

*Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан камбағал, ишсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга алоҳида эътибор ва кўмак кўрсатилаётгани натижасида улар ўзларини жамиятимизнинг тўлақонли аъзосидек ҳис этмоқда. Шунингдек, минглаб юртдошларимизнинг ўз йўлини топишига, ҳаётини изга туширишига ва рўзғорига файз-барака киритишига сабаб бўлмоқда.*

## Нуқтаи назар

Бу борада камбағал фуқароларнинг кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоясини назарда тутувчи бир қанча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари, “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “меҳр дафтари” каби янги механизмлар ишга туширилди. Бу йўналишга сарфланаётган маблағлар миқдори йил сайин оширилаётгани, ишсизлар касб-ҳунарга ўқитилаётгани, ўз-ўзини банд қилган фуқаролар қўллаб-қувватланаётгани, хотин-қизлар ва ёшлар ўз ўрнини топиши учун берилаётган кўмагу имтиёзлар йилдан-йилга кўпаяётгани кўплаб юртдошларимиз ҳаётида катта бурилиш ясамоқда.

Бироқ шунча чора-тадбирлар кўрилишига қарамасдан, афсуски, ҳалигача боқимандалик кайфиятидан қутула олмаётган фуқаролар учраб турибди. Камбағаллик жамиятнинг умуммиллий сафарбарлиги, истак ва интилиш билан яшаши ҳисобига камаяди.

Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 11 сентябрь куни камбағалликни қисқартириш ишларини навбатдаги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари камбағалликни фақат пул тарқатиш, нафақа тўлаш билан ҳал қилиб бўлмаслигини таъкидлаб, камбағал оила аъзоларини ўқитиш, касб-ҳунарга ўргатиш ва иш билан таъминлаш муҳимлигини қайд этди. Бундан буён камбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракатга айланиши, юртдошларимиз бир-бирига елкадош бўлиши кераклигига урғу қаратди.

Ислом дини инсонларни доим илм-маърифат эгаллашга, саъй-ҳаракат қилишга, бирор касб-ҳунар билан шуғулланишга чақиради. Шу билан бирга, ҳаёт майдонида ортда қолиб кетишдан, дангасалик, тамагирлик, ишёқмаслик, боқимандалик ва ишлашга қодир бўла туриб одамлардан хайр-садақа сўраш каби ижтимоий иллатлардан қатъий қайтаради.

Ояти карималарнинг кўплаб ўринларида мўмин-мусулмонларни ҳалол йўл билан ризқ топишга тарғиб қилинган. Шу боис пайғамбарлар ҳам бирор касбнинг бошини тутишган. Мисол учун, Одам алайҳиссалом деҳқон, Идрис алайҳиссалом тикувчи, Нуҳ алайҳиссалом дурадгор, Ҳуд ва Солиҳ алайҳиссаломлар тижоратчи, Иброҳим алайҳиссалом зироатчи, Исмоил алайҳиссалом овчи, Исҳоқ, Яъқуб, Шуайб ва Мусо алайҳиссаломлар чўпон бўлишган. Юсуф алайҳиссалом соатсозлик, Ҳорун ва Илёс алайҳиссаломлар тикувчилик, Довуд пайғамбар темирчилик ва совут ясаш билан шуғулланган. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам тижоратчи бўлганлар.

Ойша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: ***“Шубҳасиз, киши ризқланадиган нарсаларнинг энг ҳалоли ўз касби орқали еган нарсасидир”,*** деганлар (Имом Аҳмад ривояти). Демак, динимиз касб-ҳунарни қадрлайди ва кишининг ўз қўли билан қилган касбини Парвардигорга яқинлаштирувчи энг афзал ва шарафли амал деб ҳисоблайди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда фаолият юритаётган масжидлар имом-хатиблари аҳоли, айниқса, ёшлар билан мулоқотлар асносида илм-маърифат, касб-ҳунар эгаллашнинг фазилатлари ҳақида суҳбатлар қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Вақф” хайрия жамоат фонди аҳолининг кам таъминланган қатламига, хусусан, уларнинг фарзандларига илм-маърифат, касб-ҳунар эгаллашлари учун моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Бугун юртимизда касб-ҳунар ўрганиш, илм олишга катта имкониятлар эшиги очилганини алоҳида қайд этиш керак. Янгидан-янги олий ўқув юртларининг очилаётгани шулар сирасидандир. Зеро, бундай илм масканларининг ортиши юртимизда илм-маърифат юксалишига хизмат қилади.

Илм инсонни жаҳолат зулматидан нурга олиб чиқади. Бу нур унинг ҳаёт йўлларини ёритади. Оғирини енгил, узоғини яқин қилади. Уламолар илмни сузишга ўхшатади. Сузишни билган киши кўзлаган манзилига саломат етиб олади. Сузишни билмаган эса жаҳолат ботқоғига ботиб, охир-оқибат ҳалок бўлади.

Илм эгаси дунёдаги энг катта бойликка эга бўлган кишидир. Жоҳил эса жуда кўп яхшиликлардан маҳрум. Зеро, уламолардан бири: “Илмни бой берган киши нимага эришибди-ю, илмга етишган киши нимани йўқотибди?!” деган.

Илм Қуръони каримда зиёда қилишни сўрашга буюрилган ягона фазилатдир. **“Ва: “Роббим, илмимни зиёда қилгин”, дегин”** *(Тоҳа сураси, 114-оят).* Ҳадиси шарифда бундай марҳамат қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: ***“Ҳар бир мусулмонга илм талаб қилиш фарздир”,*** *дедилар” (Имом Ибн Можа ривояти).*

Динимиз илмга катта эътибор қаратган. Қуръони каримда “илм” энг кўп зикр қилинган сўзлардан бири бўлиб, турли кўринишларда етти юздан ортиқ ўринда келган. Юздан ортиқ ҳадисларда илм ва унинг фазилати ҳақида сўз боради. Шу рақамларнинг ўзи ҳам исломнинг илм-маърифат дини эканини яққол кўрсатади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Айрим кишилар илм деганда фақат диний илмларни назарда тутиб, исломда дунёвий илмларнинг ўрни йўқ, деган нотўғри тушунчага бориб қолган. Аслида диний илмлар ҳам, дунёвий илмлар ҳам Яратганнинг илми бўлиб, уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Барча далилларни ўрганиб, хулоса қилган уламолар бундай деганлар: “Илм диний ва дунёвийга бўлинмайди, балки мақталган ва мазаммат қилинганга бўлинади. Диний ва дунёвий деб ажратиш улардаги мавзулар эътиборидан, холос. Тиббиёт, ҳисоб, саноат ва бошқа илмлар дунё манфаатлари учун керак. Бу илмлар фарзи кифоя ҳисобланиб, унга доим эҳтиёж сезилади. Тиббиёт илми зарурий илм бўлиб, у бадан саломатлиги учун хизмат қилади. Математика илмига келсак, у ҳам зарурий илмдир. Чунки молиявий муомалаларда, мерос ва васиятларни тақсим қилишда унга эҳтиёж бор. Агар шаҳар ёки қишлоқда бу илмларни биладиган киши йўқ бўлса, ҳамма тенг гуноҳкор бўлади. Шаҳар аҳолисидан уни бажарадиган киши чиқса, бошқалардан гуноҳ соқит бўлади. Деҳқончилик, тижорат, тўқимачилик, тикувчилик каби касбларнинг ҳам илмини билиш фарзи кифоя ҳисобланади. Агар юртда бирорта табиб бўлмаса, аҳоли ҳалокатга юз тутади. Бу эса ақлан аҳмоқлик, шаръан ман қилинган ишдир. Чунки Қуръони каримда: **“Ўзингизни ҳалокатга дучор қилманг”** *(Бақара сураси, 195-оят)*, дея марҳамат қилинган”.

Шунингдек, инсонлар қадимдан юқоридаги илмларни ўрганиб, унинг ортидан касб қилиб келади. Бу ишни ҳалигача ҳеч ким инкор этган эмас. Ким мана шу илмларни ўрганар экан, нияти муҳтожга ёрдам бериш, заифларни қўллаш, ҳожатини раво қилиш, ўзига ва бошқа одамларга манфаат етказиш бўлса, ажр, савоб олади. Агар бу каби ният бўлмаса ҳам гуноҳкор бўлмайди, маломат қилинмайди.

Бугунги кунда инсоният эришган юксак тараққиёт ҳам илм-фан маҳсулидир. Шу боис ёшларимиз дунёвий илмларни чуқурроқ ўрганмаса, давр билан бирга қадам ташлашга қийналади. Ҳазрат Али розияллоҳу анҳу: ***“Болаларингизга замонавий илмларни ўргатинглар, чунки улар ўз замонлари учун туғилганлар”,*** деган.

Ўтган ота-боболаримиз диний ва дунёвий илмларда пешқадам бўлиб, буюк кашфиётлар қилишган. Биз ҳам уларнинг йўлини тутиб, аждодларга муносиб авлод етиштиришимиз ҳам фарз, ҳам қарздир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: ***“Инсонларнинг энг яхшиси одамларга кўп манфаат етказадиганидир”,*** деганлар *(Имом Табароний ривояти)*.

Шундай экан, Парвардигорга суюкли бўлиш учун дунё ишларида ҳам одамларга кўпроқ манфаат беришимиз лозим. Бунинг энг мақбул йўли тадбиркорлик, касб-ҳунар, тижорат, бугунги замонавий илм-фан соҳалари билан шуғулланиб, одамларни иш билан таъминлаш, бозору дўконларимизни ўз маҳсулотларимиз билан тўлдириб, хориж билан рақобатлаша оладиган даражага етишдир. Бунинг учун эса ҳар соҳанинг илмини пухта ўрганиш лозим. Шунда юртимиз равнақ топади, халқимиз фаровон ҳаёт кечиради.

**Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.**

# АМАЛИЙ ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР МАЙДОНИГА АЙЛАНГАН АНЖУМАН

*Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри шу йил 25-26 сентябрь кунлари халқаро аҳамиятга эга бўлган муҳим воқеа — Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки Бошқарувчилари кенгашининг IX йиллик йиғилишига мезбонлик қилди.*

## АКС САДО

Айтиш жоизки, Марказий Осиё минтақасида илк бор ўтказилган ОИИБ йиғилишининг Самарқандда бўлиб ўтиши Ўзбекистон ва ушбу халқаро ташкилот ўртасидаги ҳамкорликнинг юксак даражада эканлигидан далолат беради. Унда барқарор инфратузилма яратиш, иқтисодий соҳанинг долзарб тенденцияларини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Қатор йўналишлар бўйича прогнозлар берилди.

Айниқса, Президентимизнинг ушбу тадбирда нутқ сўзлагани анжуманга алоҳида руҳ бағишлаш билан бирга, мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга бўлган юксак эътиборидан далолат берди.

Йиллик йиғилишда таъкидланишича, бугунги кунда инфратузилма, энергетика, транспорт, сув таъминоти, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш каби йўналишларни қамраб олган қўшма лойиҳалар портфели 3 миллиард доллардан ошган. Айни чоғда 4 миллиард долларлик янгиланган дастурни амалга ошириш бўйича келишувга эришилди.

Маълумки, 2016 йилда ташкил топган ОИИБ Марказий Осиё учун минтақавий алоқаларни, айниқса, ресурсларни бошқариш ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларида асосий роль ўйнайди. Чунки жаҳон иқтисодиёти иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва иқлим ўзгаришларига мослашиш учун катта маблағлар киритишни талаб этади. Инвестициялар транспорт тармоқлари, энергетика ва рақамли тизимлар, сув таъминотини модернизациялаш учун зарурки, бу айниқса, иқтисодиёти беқарор бўлган ривожланаётган давлатлар ва минтақалар учун ғоят зарур.

Бундай шароитда глобал хавф-хатарлар оқибатларини юмшатиш, барқарор ўсиш, аҳоли турмуш шароитини яхшилашда ОИИБ каби халқаро молия ташкилотларининг роли янада ошиб бормоқда. Бу ташкилотлар капитални сафарбар қилиш, хусусий ва давлат инвестицияларини жалб этиш, шунингдек, инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш учун мослашувчан молиявий шароитларни таклиф қилиш қобилиятига эга.

Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки қисқа давр ичида 55 млрд. долларлик лойиҳалар портфели билан нафақат минтақа, балки жаҳон миқёсидаги инфратузилмавий инвестициялар киритиш борасида энг нуфузли молия ташкилотларидан бирига айланганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Халқаро анжуманнинг асосий мавзуларидан бири — фуқаролик ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва мулоқотни йўлга қўйиш масалалари бўлди. Зеро, бу йўналиш 2017 йилдан буён ОИИБ йиллик йиғилишларининг узвий қисмига айланган. Банк ва фуқаролик ташкилотлари учун бу ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли бўлган масалалар бўйича муҳокамалар ўтказиш ва фикр алмашиш сари қўйилган қадамдир.

Шунингдек, иқлим ўзгариши ва энергетика хавфсизлиги каби халқлар фаровонлиги ва ривожига таъсир кўрсатувчи минтақавий хавф-хатарлар муҳокама қилинди.

Биламизки, ҳозирда жаҳондаги мураккаб геосиёсий вазият, глобал иқтисодиётдаги беқарорлик, озиқ-овқат ва энергия ресурслари танқислиги, камбағаллик, экология муаммолари тобора ўткир тус олиб бормоқда. Хусусан, дунё аҳолисининг тўртдан бир қисми тоза ичимлик суви муаммосига дуч келмоқда. Натижада дунёда 800 миллионга яқин аҳоли ўта оғир камбағаллик шароитида яшаяпти.

Анжуман давомида Ўзбекистон олдида турган асосий вазифалар, жумладан, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва инфратузилмавий лойиҳалар яратиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. “Яшил” иқтисодиётни ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасини 2030 йилга қадар 40 фоизгача кўпайтириш, шунингдек, қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли каби йирик инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида аҳамият берилди.

Эътиборлиси, Самарқанд ушбу кенг миқёсли анжуманни ўтказиш вақтида жаҳон ҳамжамияти, жумладан, бутун дунёдаги сиёсатчилар ва бизнес соҳа етакчиларининг диққат марказида бўлди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг глобал иқтисодий ва сиёсий кун тартибида фаол иштирок этишга тайёр эканлигининг ёрқин далилидир. Бинобарин, ушбу нуфузли тадбирда Жаҳон банки ва Европа инвестициялар банки каби ташкилотларнинг иштироки Ўзбекистонни халқаро молиявий институтлар учун ишончли ҳамкор сифатида тан олинишини янада мустаҳкамлади. Истиқболда бу мамлакатимизга сармоялар жалб қилишда кўмак бериши мумкин. Ва шубҳасиз, инновациялар ва барқарорлик мавзуларининг муҳокамаси ушбу йўналишда таклифлар ишлаб чиқиш учун мақбул муҳит яратди.

Иштирокчилар рақамли трансформация ва иқлим барқарорлиги масалалари доирасида инфратузилмавий лойиҳаларни модернизациялашни самарали режалаштиришни муҳокама қилди. Бу барқарор ривожланиш стратегиясини амалга оширишда асосий омил бўлди. Тезюрар поездлар темир йўллари қуриш, аэропортларни модернизациялаш ва олис ҳудудларда инфратузилма тармоқлари яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари “яшил” иқтисодиёт яратиш ва қайта тикланувчи энергия ҳиссасини кенгайтиришда ОИИБ билан ҳамкорликнинг устувор йўналишини белгилаб берди. Асосий таклифлардан бири — Марказий Осиёда ОИИБ иштирокидаги “Яшил” энергияни ривожлантириш дастурини яратиш бўлди.

Сирасини айтганда, ушбу нуфузли тадбирга мезбонлик қилиш билан Ўзбекистон яна бир бор глобал ҳамкорлик ва барқарор тараққиётга содиқлигини намойиш этди. Саммитда илгари сурилган янги лойиҳа ва стратегияларни рўёбга чиқариш мамлакатимизнинг иқтисодиётни либераллаштиришни давом эттириш, камбағалликни қисқартиришнинг кўп қиррали дастурини амалга ошириш ва тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш, янги ишчи ўринлари яратиш ҳисобига аҳоли турмуш даражаси ва даромадини юксалтиришга ҳам хизмат қилади.

**Бобур БЕКМУРОДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 11 424 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6